# ДУНЁДАГИ ЭНГ ТОЗА ГУЛ

«Гўдакни қайси бемеҳр, бағритош она ташлаб кетдийкин?! Тағин кўчага-я? Ҳатто қўнғиз ҳам боласини оппоғим дейди-ку!». Дилором ана шундай ўй-хаёллар билан Меҳрибонлик уйига етиб келганини сезмай қолди.

Болалар хонасида оппоқ йўргакка ўралган чақалоқни гоҳ бу энага, гоҳ у энага овутмоқчи бўларди. Гўдак эса инграгани-инграган, ҳеч кимга овунмасди. Дилором хонага кирган заҳотиёқ болани қўлига олди.

*1999 йил — Аёллар йили*

—Сени аёзларга ташлаб кетган онанг совуқларда қотиб қолсин, сени чинқиртириб қўйган отанг қон йиғласин, — дея оҳу нола қиларди у кўзда ёши билан болани маҳкам қучиб.

—Исмини қўйиш керак,—деди энагалардан бири.

—Исминими, исмини Ҳаётжон қўямиз. Ўзимиз боқамиз,тарбиялаймиз. Суннат тўйиниям ўзим қилиб бераман, Худо хоҳласа.

Дилоромнинг орзуси шу йили ушалди. Наврўз байрами арафасида Ҳаётжон ва яна икки нафар кичкинтойнинг суннат тўйи шаҳардаги «Тошлоқ» чойхонасида ўтказилди. Тўй ташкилотчиси Болалар жамғармасининг Жиззах шаҳар бўлими раиси Дилором Расулова бўлди. Шаҳар ҳокимлиги ва болалар жамғармаси шаҳар бўлими ҳомийлигида ўтган тўйга корхона ва ташкилотлар, саховатли инсонлар тўёна билан келишди. Тўйболаларга турли-туман совға-саломлар улашилди.Яна Халқ банкида ҳисоб рақами очилиб,уларнинг номига маблағ ҳам қўйилди. Тўйдан сўнг Дилором опа билан учрашдим.

...У ўнинчи синфни битириб,иш фаолиятини Жиззах устки трикотаж фабрикасида бошлаган.Ташкилотчилиги, тиришқоқлиги раҳбарларга маъқул тушганлиги боис 1,5 минг кишилик жамоанинг ёшларига бошчилик қилган.Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Жиззах давлат педагогика институтида таҳсил кўрган.1995 йилда у болалар жамғармасининг шаҳар бўлимини ташкил этди.

—Сиз болалардан ҳеч нарсани аямайсиз, улар қувончи учун ҳамма нарсага тайёрсиз, — дейман гап орасида. — Ҳатто қўлингиздаги узугингизни сотиб, Ҳамид Олимжон таваллудининг 85 йиллигига бағишлаб танлов ўтказган экансиз.

—Журналистлардан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди-да.

Тиниб-тинчимас, ҳамма вақт болажонлар учун турли тадбирлар ўтказадиган,уларга совға-саломлар тайёрлаш учун елиб-югурадиган бу меҳри дарё аёл ҳамиша иш билан банд. Уни қачон учратсам «Минг бор узр, ҳозир болалар уйига спорт кийимлари олиб боришим керак, болажонларим роса хурсанд бўладиган бўлди-да», дея мен билан хайрлашади ёки «Касалманд, нимжон бир болажонни шифохонага ётқизишим керак, тез бормасам бўлмайди», деб узр сўрайди. Дилором опани таҳририятга таклиф қилганимизда ҳам «5-10 дақиқа вақтим бор. Шукуржон исмли болакайни шифохонага жойлаштиришим керак. Ҳали дори-дармонлар ҳам топишим зарур», — дейди у ҳар доимгидек шошилиб.

— Шаҳримиздаги иқтидорли болаларни йиғиб Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига олиб борибсиз, деб эшитдим.

— Президентимиз таъкидлаганидек, жамғармаларнинг фаолияти фақатгина хайрия тадбирларидан, совға-саломлар беришдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Иқтидорли ўқувчиларни саёҳатга олиб борганимнинг сабаби — улар Ўзбекистонни, ота-боболаримиз яратиб кетган буюк обидаларни кўрсинлар, ўргансинлар. Шундагина уларнинг дунёқараши кенгаяди, Ватанга муҳаббатлари зиёда бўлади. Мустақил фикрлаш, интилиш кучаяди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам асосий эътибор ёшларимизнинг илмли, касб-ҳунарли бўлишига қаратилган. Шу боис истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг билим олишлари учун шароит яратиб беришга қўлимдан келганча кўмаклашаяпман. Кўплаб ўсмирларни шаҳримиздаги таниқли ҳунармандларга, усталарга шогирдликка бириктириб қўйдим. Ҳеч ким раъйимни қайтармади, бажонидил рози бўлишди.

— Бу ишларда сизга кимлар, қайси ташкилотлар ёрдам бераяпти?

— Аввало шуни таъкидлаш керакки, болалар жамғармасига вилоят ва шаҳар ҳокимликлари доимий ғамхўрлик қилишмоқда. Бундан ташқари, 7- ва 8-ун комбинатлари, « Жиззахгўштсут» ҳиссадорлик жамияти, «Жиззахулгуржибиржасавдо» компанияси, шаҳар нефть маҳсулотлари корхонаси, «Зилолатекс» ҳиссадорлик жамияти, «Маҳфуза-О» фирмаси каби ташкилотлар яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Биласизми, болалар менинг ҳаётим. Ахир, улар гулдек нозик ва гулдек гўзал-ку! Болаларни севмай бўладими?

### ХУЛОСА ЎРНИДА

***Дилором опа! Сизни мақтамадим, ҳеч қандай муболағасиз, бўрттирмасдан ёздим. Эрта туриб, кеч уйқуга ётишингизни, етимлар бошини силаганингизни, касалманд, нимжон болажонларни даволатиш учун елиб-югураётганингизни, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаётганингизни, хуллас уйқусиз тунларингизни, машаққатли кунларингизни ёзсак, бир китоб бўлар-ов. Сиз таърифу тавсифга ҳам муҳтож эмассиз. Сиз болалардек беғуборсиз, Сиз болалардек дунёдаги энг тоза гулсиз. Сизга фақат мен эмас, ҳамманинг ҳаваси келади.***

**Васил ИЛЁСОВ.**



*«Алпомиш» достонининг 1000 йиллик юбилейи муносабати билан Термиз шаҳрида барпо этилган Алпомиш боғида 70 минг куб сиғимдаги катта сув ҳавзаси ва бир нечта чиройли фавворалар қурилди. Ҳовузнинг шимолий қисмида эса қишки ва ёзги теннис спорт мажмуи бунёд этилди. Мазкур теннис корти 2000 томошабинга мўлжалланган бўлиб, бу ерда 40 ўринли меҳмонхона ҳам мавжуд.*

*Яқинда мажмуанинг қишки теннис корти очилиши муносабати билан вилоятдаги турли ташкилот раҳбарлари ўртасида 1-вилоят очиқ чемпионати ўтказилди. Мусобақада 150 га яқин спорт ишқибози қатнашди. Ғолиблар вилоят ҳокимлиги томонидан пул мукофоти ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.*

**СУРАТЛАРДА: қишки теннис корти очилиши тантаналаридан лавҳалар.**

**И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

Маълумотларни узатиш миллий оператор тармоғи
UZPAK -Сиз учун ахборотлар оламига очилган дераза-
*маълум қилади*

Қуйидагилар нархига чегирмалар муддати узайтирилади:
INTERNETга уланиш (Dial-Up ON-LINE) — **БЕПУЛ**
**2000 йилнинг 1 январигача**
"UZPAK" тармоғининг барча хизмат турлари бўйича рўйхатга олиш тўловига
**20 % чегирма**

Маълумотларни узатиш тармоғидан фойдаланувчилар учун ***янги хизмат:***
Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг марказлари учун
**Internetга уланиш бепул**

Телефонларимиз: 144 82 88, 144 82 87.
2305

**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

**«ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ-ХОЛДИНГ» компанияси**

Сиз азизларни 1999 йил 21 декабрдан 24 декабргача Тошкент шаҳрида — «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтадиган

**«АГРО-2000» учинчи халқаро ярмаркасида қатнашишга таклиф этади**

*Сиз ярмаркада маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва компаниялар, фирмалар билан турли хил янги узилган мева-сабзавот маҳсулотлари, мева-сабзавот консервалари, улардан тайёрланган шарбат ва ичимликлар, қуритилган ҳамда қадоқланган ноз-неъматлар, ноёб мусаллас ва бошқа вино маҳсулотлари, шампан ва хуштаъм шароблар, коньяк ва бальзамларни келишилган нархларда сотиб олиш бўйича шартномалар тузишингиз мумкин.*

*Маҳсулотлар учун ҳақ тўлаш сўмда, АҚШ доллари ёки рублда амалга оширилади.*

*Маҳсулотларга қуйидагича ҳақ тўланади: олдиндан ҳақ тўлаш ёки чақириб олинмайдиган аккредитив, тасдиқланган ёхуд харидорга хизмат кўрсатувчи банкнинг кафолати.*

*Харидорлар учун ярмаркада қатнашиш бепул.*



Маълумот олиш учун телефонлар:
144-15-90, 144-07-78, 144-03-57, 144-05-39.

**ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ!**

2367

**ЎҚИШГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!**

**Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва ширкат хўжаликлари РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

- Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига мувофиқ, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва узлуксиз таълим тизимининг ҳамма босқичлари учун замон талабларига тўла жавоб берадиган юқори савияли педагог кадрлар тайёрланмоқда. Университетимиз таълим йўналишларининг қуйидаги: инглиз тили, қозоқ тили ва адабиёти, математика ва информатика, физика ва астрономия, кимё, биология, география, тарих, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, ўзга тилдаги мактабларда рус тили ва адабиёти, корейс тили, касб таълими (соҳалар бўйича) чақириққача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия, дефектология, педагогика ва психология (таълим турлари бўйича), мактабгача тарбия ва оилавий таълим, мусиқий таълим ва эстетик тарбия, бошланғич таълим ва тарбиявий иш, чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат соҳалари бўйича бакалаврияга ҳамда 28 та ихтисосликлар бўйича бир ва икки йилга мўлжалланган магистратурага келажакда ўз тақдирини таълим ва тарбия касби билан боғлашга қатъий қарор қилган, билим олишга чанқоқ ёшларни 2000-2001 ўқув йилига қабул қилишга ҳозирлик кўряпти.
- Университетда талабаларнинг хоҳишига кўра асосий касбига қўшимча равишда чет тили, компьютер техникаси, иқтисодиёт ва ҳуқуқий билим асослари ҳам ўргатилиши ташкил этилади.
- Иқтидорли ёшлар учун махсус гуруҳ ўқишлари ташкил этилади. Уларга республика Истеъдод маркази, «Улуғбек» жамғармаси, республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси ҳомийлик қилади. Илғор талабалар «Умид» жамғармаси талабларига жавоб берадиган махсус дастур асосида қўшимча ўқитилиб, уларга танловларда қатнашиш ва ғолиб сифатида хорижий давлатларда ўқишни давом эттириш учун шароит яратилади.
- Университет раҳбарияти корхоналар, муассасалар, корпорациялар, қўшма корхоналар, ширкат хўжаликлари ва бошқа барча ташкилотларнинг раҳбарларидан етук педагог мутахассислар тайёрлаш учун буюртмалар қабул қилади.

***ҲУРМАТЛИ РАҲБАРЛАР!***

***Умид қиламизки, Сиз мустақил республикамизнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муваффақиятли бажарилишига ўз ҳиссангизни қўшасиз.***
***Бундай имкониятни бой берманг, азизлар!***
***Манзилимиз: 7000100, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.***

**Университет раҳбарияти.**

Has@2363

Ўзбекистон Республикаси Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат агентлиги жамоаси халқ шоири Ғафур Ғуломнинг рафиқаси **МУҲАРРАМ аянинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари, ёр-дўстларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси қўмита ходими Саидазим Мирзаевга отаси **Саидраҳмон МИРЗАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳайъати ва жамоаси ҳайъат аъзоси, агентлик бўлим бошлиғи Шавкат Юнусовга волидаи муҳтарамаси **Моҳинисо ая АСАТУЛЛАЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Микробиология институти жамоаси лаборатория мудири Тошхон Ғуломовага онаси **МУҲАРРАМ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректорлиги, клиника ва жамоат ташкилотлари, стоматология факультети ички касалликлар курси жамоаси шу курс мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Наима Насриддиновага онаси **Масуда МУҲАМЕДОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадидилар.

Тошкент Педиатрия-медицина институти маъмурияти ва меҳнат жамоаси микробиология-вирусология ва иммунология кафедрасининг мудири, профессор Мамлакат Мирзаевага онаси **Тилла ая МИРЗАЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**"VIEV VA KOMM"**

**ҚЎРИҚЛАШ ВА ВИДЕОКУЗАТУВНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ТИЗИМЛАРИ**

**қуйидагиларни амалга оширади:**

- видеокузатув, ёнғиндан муҳофаза, қўриқлаш сигнализацияси, келиб-кетишни бошқариш тизимлари, шунингдек, фуқаролик диапазони (27 МГц) даги радиостанциялар учун жиҳоз ва анжомлар етказиб бериш;
- Жиҳозлар ўрнатиш, созлаш;
- Кафолатли хизмат ва кафолат муддати тугаши билан хизмат кўрсатиш;

**Юқори малакали мутахассисларнинг маслаҳатлари**



*Ҳар қандай шароитда ечим топилади*
*Сизнинг хавфсизлигингиз ўз қўлингизда!*

Тел.: 78-54-70, 78-41-07. Факс: (3712) 78-05-03.
Манзил: Тошкент ш., «Катортол» к.,38, 310, УзГИИТИ институти.
2351

**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. РИЗАЕВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001**
Буюртма Г — 0911, 23276 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — Ғ. ЭШМУРОДОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 01.30*
1 2 3 4 5 6